**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.FM/T.03.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАМАЛОВ ХАЙРАТДИН УСНАТДИНОВИЧ

КИРИШМАЛИ АТОМДАН ТАШКИЛ ТОПГАН НАНОКЛАСТЕРЛИ КРЕМНИЙДАГИ АВТОТЕБРАНИШЛИ ТОК ВА УНИНГ ЭЛЕКТРОНИКАДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

УДК: 621.315.592

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) of physical-mathematical sciences

Камалов Хайратдин Уснатдинович
Киришмали атомдан ташкил топган нанокластерли кремнийдаги автотебранишли ток ва унинг электроникада қўлланилиши 3

Камалов Хайратдин Уснатдинович
Автоколебание тока в кремнии с нанокластерами примесных атомов и её использование в электронике 21

Kamalov Khayratdin Usnatdinovich
Current Self-oscillations in Silicon with Nanoclusters of Impurity Atoms and its use in the electronics……...…….. 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works …….....…. 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.02.2018.FM/T.03.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

КАМАЛОВ ХАЙРАТДИН УСНАТДИНОВИЧ

КИРИШМАЛИ АТОМДАН ТАШКИЛ ТОПГАН НАНОКЛАСТЕРЛИ КРЕМНИЙДАГИ АВТОТЕБРАНИШЛИ ТОК ВА УНИНГ ЭЛЕКТРОНИКАДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.PhD/FM160 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (tdtu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Исмайлов Қанатбай Абдреймович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Мавлонов Ғиёсиддин Ҳайдарович**
физика-математика фанлари доктори

Сапаев Байрамдурди
физика-математика фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги DSc.28.02.2018.FM./T.03.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, ___-уй. Тел. (99871) 246-46-00, факс (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz, ТДТУ «Электроника ва автоматика» факультети _____хона).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси,___-уй. Тел. (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2018 йил «___»_____ да тарқатилди.

(2018 йил «____» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

М.К.Бахадирхонов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Б.Э.Эгамбердиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., профессор

Н.Ф.Зикриллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясини аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бугунги кунда жадал ривожланаётган яримўтказгичлар физикаси соҳасида долзарб йўналишлардан бири кремний кристалл панжарасида ҳажмий наноўлчамли кластерларни ҳосил қилиб, унинг фундаментал параметрларини ўзгартирган ҳолда янги материаллар олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жумладан, кўп каррали зарядланган нанокластерларни кремний кристалли ҳажмида шакллантириш ва унинг функционал имкониятларини очиш ҳамда бу материални микроэлектроникада, материалшуносликда ва бошқа соҳаларда ишлатишга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Кичик ўлчамли ток тебранишлар генераторларини яратиш бугунги кунда дунё бўйича олимлар ва мутахассисларнинг катта эътиборни жалб этмоқда. Бу соҳага бўлган асосий қизиқиш бир томондан кам қувват талаб этувчи қаттиқ жисмли генераторларни яратиш бўлса, иккинчи томондан бир вақтнинг ўзида бир неча функцияларни бажарадиган датчикларни олиш билан боғлик. Кристалл панжарада кластерлар ҳосил қилиб, кремний хоссаларининг ўзгариши ҳисобига ток тебранишларини кузатиш ва унинг янги функционал имкониятларини кўрсатиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш назарий ва амалий жиҳатдан мухим вазифалардан.

Бугунги кунда дунёда электроника соҳасини ривожлантиришга, янги турдаги датчиклар яратиш ва амалдаги датчикларни янада такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, мақсадли илмий изланишларни қуйидаги йўналишларда олиб бориш долзарб вазифалардан ҳисобланади: яримўтказгич материалларини киришма атомлари билан легирлаб янги турдаги яримўтказгич материалларни олиш; киришма атомлардан шаклланган нанокластерли ёруғликка сезгир бўлган материаллар олиш; олинган материаллар асосида қаттиқ жисмли генераторлар яратиш; автотебранишлар асосида кам қувватли энергия билан ишлайдиган бир неча функцияни бажарадиган датчикларни яратиш.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширишда илмий ва инновация ютуқларини амалиётга кенг жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда[1]. «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш йили»да олинган илмий натижаларни ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, микроэлектрон ва яримўтказгичли асбоблар учун асосий материал ҳисобланган кремнийнинг кристалл панжарасида нанокластерларни ҳосил қилиб, унинг асосида янги турдаги материаллар олиш технологиясини ри-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида /Расмий нашр/. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: «Адолат», 2017. Б. 26.

вожлантириш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Бу борада, нанокластерли кремнийнинг янги хоссаларини кашф қилиш ва унинг хусусиятлари асосида тубдан янги бўлган фотоқабулқилгичлар, кўп функцияли датчиклар ва қаттиқ жисмли датчикларни яратиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралидаги «Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сон Фармони, 2017 йил 13 февралдаги «2017–2021 йилларда электротехника саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ–2772-сон ҳамда 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академиясининг фаолиятини, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2789-сон Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергия ресурс тежамкорлиги, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Таниқли олимлардан В.А.Доросинец, Н.А.Поклонский, В.А.Самуйлов, В.Ф.Стельмах (Беларусия) поликристалл кремнийда инфракичик частотали ток тебранишларининг параметрларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб боришган. Шу билан бирга бир гуруҳ россиялик олимлар Н.Н.Агеева, И.Л.Броневой, А.Н.Кривоносовлар арсенидгаллий намуналардаги ток тебранишларини ҳар томонлама ўрганганлар.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон олимларидан А.Т.Мамадалимов, Х.Х.Джулиев ва А.Ю.Лейдерманлар томонидан хром атомлари киритилган кремний намуналарда $h\nu$>Eg ва T=4,2 К да инфрапаст частотали ток тебранишлари тадқиқ қилган.

Шу билан бирга, М.К.Бахадирханов, Н.Ф.Зикириллаев ва унинг шогирдлари марганец киришма атомлари билан компенсацияланган кремнийда ток тебранишларининг хусусиятларини тадқиқ этган. Марганец киришма атмлари киритилган кремнийдаги ток тебраниши T=77÷180К ҳарорати ораликда ва тушаётган ёруғлик энергияси $h\nu>E_g/2$ эВ қийматларида кузатилган.

Яримўтказгичларда ток нотурғунликларининг ҳосил бўлиши, унинг катталикларини бошқариш имкониятлари яхши тадқиқ қилинган. Бироқ шу даврга қадар, нанокластерли кремнийда 3÷10 микрометрли тўлқин узунлигига мос келувчи ИҚ-нурланиш таъсирида инфрапаст частотали ток автотебранишларини кўпзарядли марказлар мавжуд нанокластерли кремнийда у 98 фоизгача модуляция коэффициентига эга турғун ва мунтазам ток автотебранишлари ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Тошкент давлат техника университетининг «Рақамли электроника ва микроэлектроника» кафедрасининг илмий тадқиқотлар режасига мос бўлиб, Ф2-44 рақамли «Яримўтказгичларда киришма атомларининг ўз-ўзини ташкиллаштириш механизмини ва уларнинг параметрларини бошқаришни тадқиқ қилиш» (2012–2016 йй.), ОТ-Ф2-55 «Янги функционал имкониятларга эга наноматериалларнинг янги синфи сифатидаги киришма атомларининг нанокластерларини шаклланиши негизида ҳажмий структурали кремний олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» (2017–2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Кремний кристалл панжарасида нанокластерлар ҳосил қилиш билан ток автотебранишларининг шаклланиши ва параметрларини ташқи омиллар ёрдамида бошқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ток тебранишлари ҳосил бўладиган нанокластерли кремний намуналарини олиш;

нанокластерли кремний намуналарида ток тебранишлар ҳосил бўлиш шартларини аниқлаш;

нанокластерли кремнийда ток тебранишларининг табиатига ташқи омиллар таъсирларини ўрганиш;

нанокластерли кремнийдаги ток автотебранишларининг электроникада қўлланилиш имкониятларини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида электроника саноатида фойдаланилган КЭФ-100; КДБ-3; КДБ-5; КДБ-10 маркали кремний монокристаллари пластиналари танлаб олинди. Киришма атоми сифатида марганец элементи олинган.

Тадқиқотнинг предмети монокристалл кремний панжарасида мавжуд марганец атомларининг нанокластерлари таъсирида ток автотебранишларини шакллантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни бажаришда ва қўйилган масалани ўрганишда атом кучли микроскопи, электрон парамагнит резонанс спектрометрияси, рентгенструктурали таҳлил каби замонавий усуллардан фойдаланилди. Намуналарнинг асосий электрофизик катталиклари Холл эффекти усули ёрдамида аниқланди. Кремнийдаги автотебранишларни кузатишда ҳароратни суюқ азот ҳароратидан (77 К) хона ҳароратигача бошқариш имконини берадиган махсус криостат билан жиҳозланган ИКС-21 русумли спектрометрдан ва UT81 рақамли электрон осциллографдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нанокластерли кремнийда кузатилган ток автотебранишининг амплитудаси, частотаси ва модуляция коэффициентини ташқи омиллар

(ҳарорат, электр майдони, ёруғлик энергияси ва қуввати) таъсирида бошқариш мумкинлиги аниқланган;

нанокластерли кремнийда 3÷10 микрометрли киришмали соҳага мос келувчи инфрақизил нурланиш таъсирида 0.1÷100 мГц инфрапаст частотали ток автотебранишлари олинган;

кўп зарядли марказлар мавжуд нанокластерли кремнийда 98 фоизгача модуляция коэффициентига эга турғун ва мунтазам тебранувчи ток автотебранишлари олинган;

кўпзарядли марказлар атрофида кучли электр майдон мавжудлиги ҳисобига юқори 150 К ҳароратда чегаравий электр майдон кучланганлиги 120 В/см бўлган фотоўтказувчангликнинг тебраниши аниқланган;

марганец киришма атомлари кластерларига эга кремний намуналари асосида фотоўтказувчанликнинг тебраниш частотасининг ўзгариши ҳисобига маълумот берувчи янги турдаги фотоқабулқилгич яратиш имконияти кўрсатилган;

марганец киришма атомлари кластерларига эга кремний намуналари асосида қаттиқ жисмли генераторлар яратиш имконияти очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

монокристалл кремний панжарасида марганец киришма атомларининг кўпзарядли нанокластерлари билан боғлиқ мунтазам ток автотебранишлари олинган;

марганец киришма атомлари кластерларига эга кремний намуналар асосида автотебраниш частотасининг ўзгариши ҳисобига маълумот берувчи янги турдаги фотоқабулқилгич яратилган;

марганец киришма атомлари кластерларига эга кремний намуналар асосида қаттиқ жисмли генератор тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларни ўлчаш ва ишлов беришда бир бирига боғлиқ бўлмаган усулларининг мажмуасидан фойдаланилган, шунингдек, олинган натижалар яримўтказгичлар физикаси ва техникасининг замонавий тушунчаларга мослиги билан таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, марганец киришма атомлари кластерларининг кўп зарядга эга эканлиги ва атрофида кучли электростатик майдон ҳосил бўлиши туфайли локал соҳаларда электронлар энергетик структурасининг қайта тақсимланиши билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, марганец киришма атомларининг кластерлари асосида мунтазам, турғун, инфрапаст частотали, юқори 150 К ҳароратда ишловчи ток автотебранишларини олиш мумкинлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кремний кристалл панжарасида нанокластерлар ҳосил қилиш билан ток автотебранишларининг шаклланиши ва параметрларини ташқи омиллар ёрдамида бошқариш асосида:

нанокластерли кремнийда 3÷10 микрометрли киришмали соҳага мос келувчи инфрақизил нурланиш таъсирида олинган инфрапаст частотали

ток автотебранишлари «FOTON» акциядорлик жамиятида қаттиқ жисмли генератор ишлаб чиқаришда қўлланилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2018 йил 9-июлдаги 02-1518-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш 0.1÷100 мГц оралиғида ишлайдиган инфрапаст частотали қаттиқ жисм генераторларини ишлаб чиқариш имкониятини берган;

марганец киришма атомлари кластерларига эга кремний намуналари асосида фотоўтказувчанликнинг тебраниш частотаси ўзгариши ҳисобига маълумот берувчи янги турдаги фотоқабулқилгич яратиш технологияси «FOTON» акциядорлик жамиятида фотоқабулқилгичлар ишлаб чиқаришда фойдаланилган («Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компаниясининг 2018 йил 9-июлдаги 02-1518-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш кремний материали асосида фотоўтказувчанликнинг тебраниш частотаси ўзгариши ҳисобига ишлайдиган фотоқабулқилгич яратишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 3 та илмий иш чоп этилган, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Яримўтказгичларда ток тебранишлари» деб номланган биринчи бобида илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар асосида яримўтказгич материалларда токнинг тебранишлари, уларнинг ҳосил бўлиш шартлари ва асосий параметрларининг ташқи омилларга боғлиқлиги бўйича муаммолар таҳлил этилган.

Мавжуд назарий ва тажрибавий маълумотлар таҳлили асосида тадқиқотнинг вазифалари шакллантирилган.

Ишни бажаришда ва тадқиқот вазифаларида белгиланган асосий амалга оширилиши режалаштирилган илмий изланишлар қуйидагилардан иборат: нанокластерли кремний намуналарини олишнинг технологик шарт шароитларин аниқлаш ва тадқиқотлар учун зарур бўлган кремний материалининг оптимал параметрларини аниқлаш; кўп каррали зарядланган нанокластерлар мавжуд кремнийда ҳосил бўлган ток автотебранишларининг ҳароратга, электр майдонига, намунанинг параметрларига, ИҚ нурланишнинг энергияси ва қувватига боғлиқлигини тадқиқ қилиш.

Диссертациянинг **«Ток тебранишлари ҳосил бўладиган кремний намуналарини олиш технологияси»** деб номланган иккинчи боби диффузион легирлашнинг технологик хусусиятларини ўрганишга, дастлабки кремний материалининг параметрларини танлашга ҳамда кремний кристалли ҳажмида кўп каррали зарядланган нанокластерларни ҳосил қилиб, талаб этилган электрофизик параметрга эга кремний олиш технологиясига бағишланган.

Намуналарнинг асосий электрофизик параметрлари Холл усули ёрдамида аниқланган. Олинган намуналарнинг фундаментал электрофизик параметрларини аниқлашда рентген структурали таҳлил, ЭПР спектрометр, XIA-200 атом кучли микроскопи сингари замонавий усуллар ва қурилмалардан фойдаланилган (1-,2-расм).

Учинчи боб **«Нанокластерли кремнийда киришмали фотоўтказувчанликнинг тебранишини тадқиқ этиш»**га бағишланиб, унда кўп зарядли нанокластерли кремнийдаги ток автотебранишларининг ҳосил бўлиш шартлари ва ташқи омиллар таъсирида параметрларининг ўзгаришларини ўрганиш натижалари келтирилган.



1-расм. Алоҳида марганец атомига боғлик ЭПР спектри



2-расм. Тўрт атомли марганецдан ташкил топган кластер учун ЭПР спектри

Ўрганилаётган намуналарда токнинг автотебраниши фақат ИҚ ёруғлик билан ёритилганда ҳосил бўлди ва тебраниш частотаси, амплитудаси ёруғлик параметрларига боғлиқ бўлиши аниқланди.

Ёруғликнинг $h\nu$=0,12÷0,43 эВ ёки 3-10 мкм ораликдаги квантланган энергиясида ток автотебранишининг вужудга келиши аниқланган. $h\nu$=0,45÷1 эВ ораликдаги ИҚ нурлар билан ёритилган намуналарнинг ВАХ ни тадқиқ этишда фототокнинг сезиларли ошишига қарамасдан ўрганилаётган электр майдонида токнинг тебраниши кузатилмади.

3-расмда солиштирма қаршилиги $\rho=5\cdot10^3$ Ом·см бўлган марганец атомлари нанокластерлари мавжуд намунада ҳосил бўлган автотебраниш параметрларининг T=100 К да, электр майдон кучланганлиги E=200 В/см да, $h\nu$=0,12÷0,43 эВ ораликда инфрақизил нурлар таъсир этгандаги ўзгариш қонунияти кўрсатилган.

Ушбу ҳолатдаги тебранишлар релаксацион автотебранишлар шаклига эга бўлиб токнинг қиймати аста секинлик билан орта борди ва кейин ток кескин 1÷1,5 даражага ошди. Сўнгра қисқа вақт ичида токнинг қиймати 1,5÷2 даражада кескин камайди.

Кузатилаётган тебранишнинг амплитудаси деярли 25-30 мА, модуляция коэффициенти M~96 % ва частотаси ўзгармас бўлиб, қиймати f_{oc}=4,32·10^{-2} Гц бўлди.

4-расмда автотебраниш частотасининг ўзгармас қувватли нурланиш фотон энергиясига боғлиқлиги келтирилган. Расмдан кўриниб турибдики, нанокластерли кремний намуналарида ҳосил бўлган ток автотебранишларининг частотаси намунага тушаётган ИҚ нурланиш энергиясига боғлиқлиги $f_{oc}=1,18\cdot10^{-3}$ Гц/эВ қонуният бўйича чизиқли ўзгариши аниқланди. Лекин ток автотебранишининг шакли ва амплитудаси деярли ўзгармади.



а) $h\nu$=0,45 эВ



б) $h\nu$=0,43 эВ; Δt = 23сек



в) $h\nu$=0,3 эВ; Δt= 35 сек



г) $h\nu$=0,16 эВ; Δt =138 сек



д) $h\nu$=0,13 эВ; Δt =215 сек



е) hν =0,12 эВ; Δ *t* =505 сек

3-расм. *T*=100 К ҳароратда ток автотебраниши параметрларини тушаётган фотон энергиясига боғлиқлиги.



4-расм. Инфрапаст частотали ток автотебранишларининг частотасини ИҚ нурланиш энергияси таъсирида f_{oc}=1,18·10^{-3} Гц/эВ қонуният бўйича ўзгариши.

Электр майдони, нурланиш қуввати ва фотон энергиялари ўзгармас шароитда автотебранишнинг вужудга келиши ва тебраниш параметрларининг (амплитуда, частота) ўзгаришига ҳароратнинг таъсири ўрганилди.

Ҳароратнинг кўтарилиши билан тебраниш частотаси чизиқли ошди, тебраниш шакли ва амплитудаси жуда кам ўзгаради деб хулоса чиқарсак бунда, G~2,4·10^{-4} Гц/К коэффициент бўйича автотебраниш частотаси ҳароратга боғлиқ ўзгариши тажриба натижалари асосида аниқланди. *T*=150 К гача намунадаги токнинг автотебраниши кузатилди, *T*=150 К дан юқори ҳароратларда ташқи шартлардан қатъи назар автотебраниш мавжуд эмаслиги аниқланган. 5-расмда намунага 0,12 эВ-0,33 эВ оралиғида ИҚ нур билан ёритилган вазиятдаги автотебранишнинг ҳароратга боғлиқлиги кўрсатилган. Расмда кўриниб турибдики, барча ҳолларда тебранишлар 100 К да вужудга келган.



1)*hν*=0,12 эВ, 2) *hν*=0,127 эВ, 3) *hν*=0,161 эВ,
4) *hν*=0,226 эВ, 5) *hν*=0,3 эВ, 6) *hν*=0,33 эВ,

5-расм. *U* = 250 В да ва ёруғликнинг турли энергияларида автотебраниш частотасининг ҳароратга боғлиқлиги.

ИҚ нурланиш қувватининг автотебранишга таъсирини ўрганиш учун фотонларнинг ўзгармас энергиясида доимий электр майдон ва ҳароратда токнинг автотебранишлари тадқиқ қилинди. Намунага тушаётган ИҚ нурларнинг қуввати 0,5÷10 мкВт оралиқда ўзгартирилди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, нурланиш қуввати қийматининг камайиши билан тебраниш шакли ва амплитудаси бутунлай ўзгармасдан қолди. Асосан, ток тебранишинг частотаси ўзгарди. Токнинг автотебранишини кузатишдаги нурланиш қувватининг қуйи чегараси *W*~0,5 мкВт эканлиги аниқланди. Агар нурланиш қуввати *W*<0,5 мкВт бўлса, автотебраниш ҳосил бўлмайди. 6-расмда *hν*=0,3 эВ инфрақизил нурлар билан ёритилган намунада ҳосил бўлган токнинг автотебраниш даврининг нурланиш қувватига боғлиқлиги кўрсатилган.



6-расм. Автотебраниш даврини намунага тушаётган ИҚ нурланиш қувватига боғлиқлиги, *T*=100 К, *E*=250 В/см.

Электр майдонининг автотебраниш параметрларига таъсирини ўрганишда қолган ташқи омиллар: ҳарорат, тушаётган фотонларнинг энергияси ва нурланиш қувватининг қийматлари ўзгармас сақланди.
7-расмда ток автотебранишларининг турли электр майдон қийматларидаги шакли кўрсатилган.



а) U=180 В; *T*=105 с, f_{oc} =9,52 мГц



б) U=225 В; T=63 с, f_{oc} =15,87 мГц



в) U=250 В; T=53 с, f_{oc}=18,86 мГц



7-расм. $h\nu$=0,226 эВ, T=100 К даги ток автотебранишларининг параметрларини турли электр майдон қийматларида ўзгариши.

Тебраниш частотасининг электр майдонига боғлиқлиги қуйидаги қонуниятга буйсиниши $\frac{f_{os}}{U} \propto 1.3 \cdot 10^{-4} \frac{\text{Hz}}{\text{V}}$ аниқланди.

Нанокластерли кремний намуналардаги ток автотебранишларининг параметрлари ва шакли фақат ташқи омилларга боғлиқ бўлмасдан намунанинг ўз электрофизик параметрларига, яъни дастлабки солиштирма қаршилигига ва диффузиядан кейинги намуналарнинг солиштирма қаршилигига ҳам боғлиқ экан. Солиштирма қаршилиги $10^3 \div 10^4$ Ом·см бўлган намуналарда ҳосил бўлган ток автотебранишларининг частоталари $10^4 \div 10^5$ Ом·см намуналардагига нисбатан катта бўлиши кузатилди (8-расм).

Бунга сабаб, нисбатан солиштирма қаршилиги каттароқ бўлган намуналарда кўп зарядли марказларнинг зарядланиш карралиги кам бўлди.



1) ρ=5,0·10^3 Ом·см ли намунадаги ток автотебраниш частотасининг тушаётган ёруғлик энергиясига боғлиқлиги.
2) ρ=2,2·10^4 Ом·см намунадаги ток автотебраниш частотасининг тушаётган ёруғлик энергиясига боғлиқлиги.

8-расм. Турли солиштирма қаршиликга эга намуналардаги ток автотебранишининг частотасини ИҚ нурланиш энергиясига боғлиқлиги.

Диссертациянинг **«Нанокластерли кремнийдаги ток автотебранишларининг электроникада қўлланилиши»** деб номланган тўртинчи бобида бошқа материаллар ёрдамида яратиб бўлмайдиган янги турдаги асбобларни ишлаб чиқишда кўп каррали зарядланган нанокластерлар мавжуд кремнийдан электроника саноатида фойдаланиш имкониятлари очиб берилган.

Яримўтказгич материаллар асосида генераторлар, частотали чиқишга эга фотоқабулқилгичлар ишлаб чиқиш ва яратиш илм-фан, технологияда

муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик яримўтказгичларда ток автотебраниши аниқланган, аммо уларнинг такрорланувчанлиги етарли даражада эмаслиги бундай автотебранишларни ҳосил қилиш ва муайян ҳолатда ушлаб туриш учун жуда қийин бўлган ташқи омилларни талаб этади. Масалан, нисбатан паст ҳарорат, катта электр, магнит майдон. в.ҳ. Шунинг учун бундай материаллар асосида тайёрланадиган қаттиқ жисмли генераторлардан амалда фойдаланиш деярли мумкин эмас.

Бу бобда кўп зарядли нанокластерли кремний асосида бу мавжуд муаммонинг ечимини ҳал қилиш мумкинлиги очиб берилган.

Электроника саноатида амалий қўлланилишида олинган илмий натижалар катта аҳамиятга эга бўлиб, бобда тўлиқ ёзилган (9-расм).



1,4-кучланиш учун контактлар;
2,3-осциллограф учун контактлар;
5-қаттиқ жисмли генератор;(кремний намунаси)
6-токни чекловчи қаршилик

9-расм Қаттиқ жисмли генераторнинг платадаги ташқи кўрниши.

Диссеертация ишимни бажаришда кўрсатилган ҳар тарафлама ёрдам учун устозимиз академик М.К.Бахадирхановга, илмий раҳбарим профессор Қ.А.Исмайловга ва ТДТУ «Рақамли электроника ва микроэлектроника» кафедрасининг барча жамоасига рахмат айтаман.

ХУЛОСА

1.Нанокластерли кремний намуналарининг электрофизик ва фотоэлектрик хоссалари тадқиқ этилди ва биринчи марта ИҚ нураланишнинг λ=3÷10 мкм тўлқин узунлиги ораликда инфрапаст частотали ток автотебранишлари аниқланди.

2.Инфрапаст частотали ток автотебранишларининг параметрларини ҳароратга боғлиқлиги G~2,4·10^{-4} Гц/К қонуният бўйича ўзгариши аниқланди.

3.Инфрапаст частотали ток автотебранишларининг параметрлари ИҚ нурланиш энергиясини таъсирида $f_a=1,18\cdot10^{-3}$ *Гц/эВ* қонуният бўйича ўзгариши ва унинг вужудга келиш соҳаси 0,12÷0,43 эВ эканлиги аниқланди.

4.Инфрапаст частотали ток автотебранишларининг параметрларини қўйилган ташқи электр майдон қийматига $A=10^{-4}$ *Гц/В* қонуният бўйича ўзгариши аниқланди.

5.Инфрапаст частотали ток автотебранишлар таъсир этаётган ИҚ нур қувват 0,5÷10 мкВт ораликда бўлганда кузатилиши кўрсатиб берилди.

6.Инфрапаст частотали ток автотебранишлари параметрлари бошланғич намунанинг солиштирма қаршилигига боғлиқ ҳолда ўзгариши аниқланди.

7.Марганец киришма атомлари кластерларига эга кремний намуналарда фотоўтказувчанликнинг тебраниш частотаси ўзгариши асосида λ=3÷10 мкм оралиғида ишлайдиган янги турдаги амплитуда ва частотали чиқишга эга фотоқабулқилгичларни яратиш имконияти кўрсатиб берилди.

8.Марганец киришма атомлари кластерларига эга кремний намуналари асосида қаттиқ жисмли генераторларни яратиш имкониятлари таклиф етилди.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.28.02.2018.FM/T.03.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ

КАМАЛОВ ХАЙРАТДИН УСНАТДИНОВИЧ

АВТОКОЛЕБАНИЕ ТОКА В КРЕМНИИ С НАНОКЛАСТЕРАМИ ПРИМЕСНЫХ АТОМОВ И ЕЁ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ В ЭЛЕКТРОНИКЕ

01.04.10 – Физика полупроводников

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ

ТАШКЕНТ–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.4.PhD/FM160.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Исмайлов Канатбай Абдреймович** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Мавлонов Гиёсиддин Хайдарович** доктор физико-математических наук
	Сапаев Байрамдурди доктор физико-математических наук
Ведущая организация:	**Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.28.02.2018.FM./T.03.05 при Ташкентском государственном техническом университете, Национальном университете Узбекистана.(Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, дом ___. Здание факультета «Электроника и автоматика» ТГТУ, аудитория № _____. Тел. (+99871) 246-46-00, факс (+99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрирована за № ___). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, дом ___. Тел. (+99871) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.

(реестр протокола рассылки №____ от «___» _____ 2018 г.).

М.К. Бахадирханов
председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, академик АН РУз, д.ф.-м.н., профессор

Б.Э. Эгамбердиев
ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

Н.Ф. Зикриллаев
председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из важнейших направлений в области современной физики полупроводников в мире является изменение основных фундаментальных параметров кремния, создание объемных наноразмерных кластеров в его кристаллической решетке и получение на их основе новых материалов. В этом плане важными задачами являются формирование многозарядных нанокластеров в решетке кремния и показ его функциональных возможностей, а также исследование таких материалов для использования в микроэлектронике, материаловедение и других отраслях.

В настоящее время в мире большое внимание научных сотрудников и специалистов уделяется созданию генераторов тока малых размеров. Интерес к этой области обусловлен с одной стороны созданием маломощных генераторов, с другой стороны возможностью получения датчиков, выполняющих несколько функций одновременно. Проведение научных исследований по наблюдению колебаний тока за счет формирования кластеров в решетке кремния является важнейшей задачей с точки зрения теоретических и практических аспектов.

На сегодняшний день в мире особое внимание уделяется созданию новых типов датчиков и усовершенствованию параметров существующих. В этом отношении проведение целевых исследований является актуальной задачей по следующим направлениям: получение полупроводниковых материалов нового типа легированием примесных атомов; получение фоточувствительных материалов с нанокластерами примесных атомов; создание твердотельных генераторов на основе полученных материалов; показ возможности создания многофункциональных датчиков, работающих на основе автоколебаний.

В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан, особое внимание уделяется вопросам стимулирования научно-исследовательской и инновационной деятельности, создания эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику[1].. Особо следует отметить, что данная деятельность осуществляется в рамках объявленного Года поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий, нацеленного на получение научных результатов, отвечающих современным требованиям научного развития. В этом плане особое внимание уделяется вопросам усовершенствования способов получения нового типа материалов путем создания нанокластеров в кристаллической решетке кремния, являющимся основным материалом для микроэлектронных и полупроводниковых приборов.

[1] Указ Президента Республики Узбекистан. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан /Официальное издание/ Министерство юстиции Республики Узбекистан. – Ташкент: «Адолат», 2017. С. 63.

В этом аспекте актуальной задачей является открытие новых свойств кремния с нанокластерами и создание на их основе принципиально новых фотоприёмников, многофункциональных датчиков и твердотельных генераторов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 гг.» от 7 февраля 2017 года, в Постановлениях Президента № ПП-2772 «О мерах по дальнейшему совершенствованию управления, ускоренному развитию и диверсификации электротехнической промышленности на 2017–2021 гг.» от 13 февраля 2017 года, № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

